
Фурқатлик спортчи ёшлар Урганч шаҳрида ўтказилган "Қўл жанги" бўйича Ўзбекистон чемпионатида 8 та медални қўлга киритишди
Жорий йилнинг 2-6 май кунлари Урганч шаҳри мезбонлигида спортнинг "Қўл жанги" тури бўйича ўсмирлар ўртасида Ўзбекистон чемпионати бўлиб ўтди.

Мусобақада жами мингдан зиёд ёш спортчилар қатнашиб, ғолиблик учун баҳс олиб боришди. Мазкур мусобақада туманимиз спортчилари 2 та олтин, 1 та кумуш ва 5 та бронза медалларини қўлга киритди.

Ғолиб бўлган спортчи ёшлар:

Худойберди Жўрабоев, Донохон Носировалар???? олтин;

Иқболжон Холйигитов????кумуш;

Бехруз Хамзаев, Салоҳиддин Араббоев, Абдумалик Холматов, Гулзода Маъмурова, Холида Мелиқўзиевалар бронза???? медалларини қўлга киритдилар.

Болалар ва ўсмирлар спорт мактаби тренери Элдор Маҳсудовнинг хабар беришича ушбу спортчиларимизнинг 3 нафари, Донохон Носирова, Худойберди Жўрабоев ва Иқболжон Холйигитовлар Уфа шаҳрида спортнинг қўл жанги тури бўйича ўтказилиши режалаштирилган жаҳон чемпионатига йўлланмани қўлга киритиб, ватанимиз шарафини ҳимоя қилади.

Фурқат тумани ҳокимлиги ушбу спортчиларни эришган муваффақиятлари билан самимий қутлаб, кейинги мусобақаларда ҳам совриндорлар қаторида бўлишларини тилаб қолади.

2023-05-06 12:17:31